

---

## ФАРҒОНАДА ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА КАСБИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ҲАМДА ТИББИЁТ СОҲАЛАРИДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Туркиянинг Oghma international eđitim, Tŭrkiye Dental ve Tahwil Health Tour компаниялари раҳбарларидан иборат ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг жорий йил июнь ойининг бошида Туркияга амалий ташрифи давомида эришилган келишувларнинг давоми бўлган бугунги учрашувда касбий ва профессионал таълим ҳамда тиббиёт соҳаларида амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Oghma international eđitim компанияси раҳбари Эмре Эрбай томонидан вилоятимиздаги касб-ҳунар мактабларини ҳар бирини вилоятдаги талаблардан келиб чиққан ҳолда маълум соҳага ихтисослаштириш, замонавий амалиёт лабораториялари билан тўла жиҳозлаш ҳамда хорижий тилни чуқурлаштирган ҳолда халқаро касбий таълим дастурлари асосида таълим жараёнини ташкиллаш, бунда Туркиядан юқори малакали касбий таълим ўқитувчиларини ҳам жалб этиш, битирувчиларни вилоятимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарига ишга йўналтириш билан бирга хорижда юқори шароитларда бандлигини таъминлаш лойиҳаси тақдим этилди.

Tŭrkiye Dental компанияси вакили Мурат Сезгун компания томонидан режалаштирилаётган, Фарғонада замонавий халқаро стоматология клиникаси барпо этиш, шунингдек, тиш имплантлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда Фарғона водийсидаги стоматология муассасалари раҳбарлари, менежерлари, стоматологлар ва зуботехниклар учун хорижлик мутахассисларни жалб этган ҳолда замонавий малака ошириш муассасаси ташкил этиш лойиҳалари юзасидан вилоят ҳоқимига маълумот берилди.

Туркия тиббиёт туризмнинг ривожидида муҳим ўринга эга Tahwil Health Tour компанияси раҳбари Кадир Йелбей, тиббиёт туризмнинг асосий йўналишлари бўлган соч трансплантацияси, пластик жарроҳлик, стоматология ва бошқа йўналишларда мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларни халқаро тан олинган сертификатлар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишга ҳамда вилоятга хорижликни жалб этишда тиббиёт туризми маркетинги борасида ўз тажриба ва билимлари билан ўртоқлашишга тайёр эканликларини билдирди.

Тақдим этилган лойиҳаларни юқори баҳолаган вилоят ҳоқими, уларни муваффақиятли амалга оширишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

Ҳар бир лойиҳа бўйича ҳамкорликда иш ташкил этишга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-25 21:38:47